Ўзбекистон Республикаси
Наманган вилояти
Тўрақўрғон тумани
ҳокимининг

ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Namangan viloyati
To'raqo'rg'on tumani
hokimining

QAROR I

200 8 йил « 6 » декабр Тўрақўрғон шаҳри 1224 -сонли

Туманда айрим қишлоқ аҳоли пунктларининг мақомини ўзгартириш тўғрисида.

"Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 120-сонли ва шу ҳақдаги вилоят ҳокимининиг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарорларини бажарилишини таъминлаш мақсадида, тумандаги Ахси, Хўжанд, Бураматут, Қатоғон-Сарой, Сайрам, Холматов, Шаханд ва Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғинларининг илтимосномаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги Ахси, Хўжанд, Бураматут, Қатоғон-Сарой, Сайрам, Холматов, Шаханд ва Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Тумандаги Ахси маркази, Файзиобод, Бордимкўл, Калвак, Мозоркўҳна, Бураматут, Гулқишлоқ, Сарой маркази, Қатоғон, Кичик Қурама, Еттикон маркази, Елхон, Бекобод, Арғин, Кужрон, Яндама, Шохидон, Катта Қўрғонча, Шаханд маркази, Олчин, Намдон; Паст Муғултой, Ёртепа маркази ва Куймазор қишлоқ аҳоли пунктларини мавжуд чегаралари доирасида шаҳарчалар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
3. Мутасадди давлат органлари амалдаги тартибда қишлоқ пунктларини шаҳарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсинлар.
4. Ушбу қарор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин ва вилоят ҳокимидан сўралсин.
5. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Вахобов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Тўраев**

O'zbekiston Respublikasi Namangan vil-ti To'raqo'rg'on tumani HOKIMI
Rasmiy hujjatlar uchun

ASLIGA TO'G'RI
Kantselyariya bo'limi
mudiri